

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 1034-хадис

1034 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا تَجْعَلُوا بِيُوتَكُمْ مَقَابِرٍ؛ إِنَّ الشَّيْطَانَ يَنْفِرُ مِنِ الْبَيْتِ الَّذِي يُقْرَأُ فِيهِ سُورَةُ الْبَقْرَةِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [780].

1034. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Уйларингизни қабристон қилиб қўйманглар. Шайтон Бақара сураси ўқилган уйдан қочади».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бақара – Мадинада нозил қилинган энг аввалги сурадир. Суранинг бошидаги тўрт оят мўминлар ҳақида, ундан кейинги икки оят кофирлар ҳақида ва улардан кейинги ўн уч оят мунофиқлар ҳақида нозил бўлган. Бақара сураси Куръони каримдаги энг узун сурадир. Энг узун оят ҳам айнан мазкур сурада бўлиб, у қарз ҳақидаги 282-оятдир. Бу оят тўлиқ бир бетни ташкил этади. Бақара сурасини доим ўқиб юрган кишиларга Аллоҳнинг изни билан сеҳру жоду таъсир қилмайди.

Бақара сураси ўқилган ерга фаришталар тушадилар.

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Усайд ибн Ҳузайр розияллоху анҳу тунда "Бақара" сурасини ўқиётган эди. Бир пайт ёнгинасида боғланган от ҳурка бошлади. У қироатдан тўхтади. От ҳам тинчланди. Яна ўқий бошласа, от ҳам безовталанар эди. Қироатни тўхтатса, яна жим бўларди. Ўша вақтда ўғиллари Яхё от ёнида эди. От босиб олмасин деб, қироатни тўхтатиб унинг олдига бордилар. Ўғилларини отдан узокроқقا қўйгач, осмонга қарасалар, унда соябонларга ўхшаш, остида нур таратиб турган нарсалар бор экан. Тонг отгач, бўлган воқеани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб бердилар. У зот алайҳиссалом: "Ҳузайрнинг ўғли, қироатингни давом эттиравермадингми?" дедилар.

Усайд розияллоху анҳу айтдилар: "Боламни от босиб қолишидан қўрқдим. У отнинг яқинида эди. Отдан узокроқقا қўйиб осмонга қарасам, у ерда

соябонга ўхшаш, ичида чироғи бор нарсалар турган экан. Уйимдан чиқиб қарасам, йўқ бўлиб қолибди”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Улар нималигини биласанми?” деб сўрадилар. Усайд розияллоҳу анху: “Йўқ”, деди. Расулуллоҳ: “Улар овозингни эшитиш учун пастга тушган фаришталар эди. Агар тонггача ўқиганингда, одамлар ҳам уларни кўрган бўларди. Фаришталар ҳам улардан қочмас эди”, деб айтдилар».

Бақара сураси Қиёмат куни шафоатчи бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуръонни ўқинглар. Чунки у қиёмат куни ўз аҳли учун шафоатчи бўлади. Икки ёритувчи нур - Бақара ва Оли Имрон сураларини ўқинглар. Зеро, бу иккиси қиёмат куни икки булат ёки бир гурӯҳ саф-саф кушлар шаклида келиб, ўз соҳибларининг ҳожатини раво қиласи. Бақара сурасини ўқинглар. Уни ўқиш барака, тарқ этиш эса ҳасратдир», деганлар (Имом Муслим, Имом Доримий, Имом Аҳмад ривояти).

Зубайд Абдураҳмон ибн Асваддан ривоят қиласи: «Ким Бақара сурасини ўқиса, бунинг эвазига унга жаннатда тож кийдирилади» (Имом Доримий ривояти).

Манба: hadis.islom.uz

